



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 121 (11.682)

Баҳоиси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритаётган корхоналарда маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашга эришилмоқда.

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

«PGS» ички бозорда ўз ўрнини топган корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда кўплаб афзалликларга эга электр қувватида ишлайдиган кичик новвойхона, минипеч, сандал, тандир, кўра, ўчок, тиббиёт кушеткаси тайёрланади.

Эътиборли томони, кўрик-танлов, ярмарка, кооперацион биржаларда ўз маҳсулотлари билан муваффақиятли қатнашиб, олий совринларга эришган «PGS» хусусий корхона маҳсулотларида аънанавийлик билан замонавийлик уйғунлашган. Ишлаб чиқарувчилар экологик тоза, инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатувчи, диэлект-



рик ҳисобланган сополдан кенг фойдаланишади.

Ҳозирда 20 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлиб, янги намуналари яратиш ус-

тида ҳам изланишлар давом этмоқда.

**Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА**
Ҳакимжон Солиқов
олган суратлар

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 11-15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида вақтинча кўчиб келган фуқаролар мамлакатимизнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида қабул қилиниб, 100 мингга яқин киши жойлаштирилди ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди.

Бу муҳим воқеалардан жабр кўрганлар – аёллар, болалар ва кексаларга, ярадорлар, беморлар ва шикастланганларга ёрдам ва кўмак бериш мақсадида аҳолимиз, жамоатчилигимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилгани ва кўрсатилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу мақсадда Андижон вилояти ҳокимлигида очилган махсус бегараз ёрдам ҳисоб рақамига юртимиздаги кўплаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан маблағлар келиб тушиши давом этмоқда.

Бугунги кунга қадар ушбу ҳисоб рақамига 3,9 миллиард сўмга яқин маблағ тушди. Бундан ташқари, республика ҳудудларидаги корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан 7,8 миллиард сўмликдан зиёд озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, кўра-тўшак ва бошқа ҳаётий зарур буюмлар тўпланиб, ўз вақтида тегишли манзилларга етказиб берилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир одам бу фожиани ўзига яқин қабул қилиб, жабрланганларга ҳамдард бўлиб, елкадош бўлиб, халқимизга мансуб бўлган олижаноблик ва бағрикенглик каби асрий фазилатларни яна бир бор амалда намойиш этди.

Юртбошимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, эл-юртимиз томонидан кўрсатилган бундай инсоний муносабат, меҳр-оқибат намунаси оғир пайларда кўмакка муҳтож бўлган одамларга беминнат ёрдам беришдек миллий хусусиятларимизнинг ёрқин ифодаси сифатида эътиборлидир. Айниқса, ёшларимизнинг бу эзгу ишда фаол иштирок этгани ёш авлодимизнинг ана шундай азалий қадриятлар руҳида тарбия топаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ана шу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар, идора ва муассасалар, давлат ва нодавлат тузилмалари, фермерлик ва тadbirkorлик субъектларига, маданият ходимларига, барча олижаноб инсонларга самимий миннатдорлик билдиради.

(ЎЗА)

Қарор ва ижро

ФАРМАЦЕВТИКА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фан ва техника тараққиётига кенг йўл очилиб, ишлаб чиқариш жараёнлари муттасил такомиллаштирилаётгани, инновацион технологияларни амалиётга жалб этиш учун қулай имконият яратилгани фармацевтика sanoatимизни ҳам ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимизда мамлакатимиз фармацевтика sanoatининг бугунги ривожини ва истиқболга бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий анжуманда ана шу хусусда сўз юритилди. «Ўзфармасаноат» давлат акциядорлик концерни, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, маҳаллий фармацевтика корхоналари раҳбарлари ва шифокорлар иштирок этди.

«Ўзфармасаноат» давлат акциядорлик концерни бошқаруви раиси М.Дўстмуродов, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари М.Ҳожибеков Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фармацевтика sanoatини ривожлантириш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 ноябрдаги «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги Қарори бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, мамлакатимиз фармацевтика бозорини сифатли дори-дармон билан тўлдириш ва экспорт салоҳини оширишга хизмат қилаётир.

Бу йўналишда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши нати-

жасида ўндан зиёд фармацевтика корхоналаримизда ИСО 9001 ва GMP халқаро сифат стандартлари жорий этилди. Дори-дармон ишлаб чиқариш муассасаларида маҳсулот сифатининг менежмент тизими такомиллаштирилмоқда.

Анжуманда мамлакатимиз фармацевтика sanoatининг бугунги ривожини ва истиқбол, фармацевтика таълими, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, дори-дармон ишлаб чиқариш ривожлантиришда ген инженерияси ва биотехнологиядан фойдаланиш самаралари, Ўзбекистоннинг фармацевтика индустриясида жаҳон тажрибаси каби мавзуларда маърузалар тингилди ва муҳокама қилинди.

**Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири**

ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимизда почта алоқасининг бозор механизмларини амалда қўллаш, соҳани техник қайта жиҳозлаш ва янги турдаги хизматларни жорий этиш почта хизмати фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор вазифалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19

июлда қабул қилинган «Почта алоқаси соҳасида фаолиятни такомил-

лаштириш тўғрисида»ги қарори ушбу вазифаларни бажаришда дастури-

ламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси почта хизмати кенг тармоқли почта алоқаси ва йўналишлари объектларидан иборат бўлиб, улар почта жўнатмалари, даврий матбуотни қабул қилиш, етказиб бериш, шунингдек, пул жўнатиш бўйича хизматлар кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг долзарб жиҳатлари муҳокамасига бағишланган «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни соҳасидаги илмий тадқиқотлар: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари» мавзuida халқаро анжуман ўтказди.

• Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомаказ» мажмуасида коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш sanoati мажмуи корхоналарининг тармоқ sanoati ярмаркаси ўз ишини бошлади.

• «Қамолот» ЁИХ Марказий кенгашида ёш олим ва тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий механизмни қучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмиталари томонидан ташкил этилди.

• Тошкент вилоятида «Атроф-муҳит ва чорвачилик: замонавий энергия тежовчи технологиялар» мавзuida амалий семинар бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, олимлар, фермерлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Кўқон шаҳрида «Болалар орзуси» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. Кичкинтойлар учун сифатли ва замонавий пойабзаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонада 18 турдаги маҳсулотлар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда. Янги қўшма корхонанинг фаолият бошлаши билан 45 та иш ўрни яратилди.

• «ЭКОСАН» халқаро фонди Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан биргаликда «Барқарор авлод йили» Давлат дастури доирасида «Барқарор экология—ке-лажагимиз» мавзусида учрашув ўтказди.

• Сирдарё вилояти Сайхунбод туманида «Энг яхши электр тармоғи корхонаси жамоаси» танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда вилоят ва туман шаҳарларидан 11 та электр тармоқлари корхоналари қатнашди.

• Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрида «Ниҳол» мукофоти кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 60 нафардан зиёд ёш истеъдодлар миллий эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқчилик, опера ижрочилиги ва ракс йўналишлари бўйича маҳоратларини намойиш этдилар.

ЖАҲОНДА

• Кеча Испания парламентида ҳукуматнинг инкирозга қарши кураш чоралари дастурига кирувчи меҳнат бозори ислохоти юзасидан қонун лойиҳасини депутатлар кўпчилиги овоз билан қўллаб-қувватлашди.

• Эрон ҳукумати Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбарларига ташкилотнинг икки нафар инспекторининг мамлакатга кириши ва ўз вазифасини бажаришга йўл қўймаслигини билдирди. Бундай кескин чора қўлланганига сабаб шуки, инспекторлар бир неча марта қонда бузишган.

• Кеча Италия полицияси томонидан гиёванд моддалар контрабандаси ва уларни тарқатиш билан шуғулланувчи 16 кишидан иборат жиноий гуруҳ қўлга олинди. Операция чоғида жиноий гуруҳга тегишли бўлган 700 килограмм кокаин ва 80 миллион евро миқдоридаги маблағ мусодара этилди.

• АҚШнинг Пенсильвания штатида унчалик катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради. Носолиқ натижасида самолёт бу ердаги турар жой биноларидан бирининг устига кулаб тушган. Фожа натижасида самолёт бортидаги уч киши ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирча фалокат сабаблари маълум эмас.

• Хитой жанубида юз берган қучли сув тошқинлари туфайли ҳалок бўлганлар сони 175 нафарга етди, 100 дан ортиқ одамлар эса бедарак йўқолган. Ушбу табиий офат қучли ёмғирлар туфайли вужудга келган бўлиб, натижада кўплаб дарёлар ўзанидан чиқиб, қишлоқ хўжалик ҳудудларини сув босган. Маълумотларга кўра ҳозирча сув тошқинларидан зарар кўрган жойлардан 2 миллионга яқин аҳоли эвакуация қилинди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **«ЎЗБЕКТУРИЗМ»** миллий компаниясида италиялик ва маҳаллий ишбилармонлар иштирокида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон ва Италия ўртасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида сўз борди.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган тадбирда журналистика факультети битирувчи талабаларига дипломлар топширилди.

✓ **БАДИЙ** академиянинг марказий кўргазмалар залида ёш rassom Ҳилола Шерматованинг шахсий асарлари кўргазмаси очилди. Ушбу тадбир 18 июлгача давом этади.



Аҳоли дастурхонига СИФАТИ ВА ҚАДОҚЛАНИШИГА ЭЪТИБОР

Бозорларимизда, дўконлар пештахталарида чиройли ва бежирим қадоқланган, харидор талаб ҳамда дидига жавоб берадиган маҳсулотларнинг кўпайиб, аҳоли эҳтиёжини тўла қондираётгани маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг изланишлари самарасидир.

гашев. — Ишимизни аввало цехларимизни Туркия, Германия, Италия ва бошқа давлатлардан келтирилган технологик линия ҳамда дастгоҳлар билан жиҳозлашдан бошладик ва уларнинг қувватидан самарали фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдамиз. Шунингдек, таъкидлашим лозимки, бугунги кунда маҳсулотларимиз нафақат мамлакатимизда, балки Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистонда ҳам харидорги бўлиб бормоқда. Бу ютуқларга биз ҳамкорларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаш, илгор технологияларни унумли қўллаш, тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш эвазига эришяёмиз.

Бу ерда тайёрланаётган «Олтин сандиқча», «Файз», «Люкс», «Премимум» конфетлари харидоргилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, чиройли қутиларда қадоқланган турли хил шоколад-

лар ўзига хос таъм ва кўринишга эга. Бу борада корхонада меҳнат қилаётган 35 нафардан зиёд малакали қандолатчиларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.

Яқин келажақда Германиядан янги дастгоҳлар келтириш, ўнлаб янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш кўзда тутилган, шунингдек Россия, Украина, Болтиқбўйи давлатлари бозорларидан ҳам муносиб ўрин эгаллаш, экспорт ҳажмини ошириш режалаштирилган. Албатта, бунинг учун давр талаби асосида изланиш, ички ва ташқи бозорни ўрганиш, маркетинг ишларини жадаллаштириш лозимлигини корхона мутахассислари яхши билади. Шу боис ҳам улар саъй-ҳаракатни асло бўшаширмай, янги-янги маҳсулот турларини харидорларга тортиқ этмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

Айниқса, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаб, шерикликда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарда нафақат иш суръати, балки маҳсулот сифати ва рақобатбардорлиги ортиб бормоқда. Энг муҳими замонавий технологик ускуналар қувватидан, илгор технологиялардан фойдаланиб тайёрланаётган бундай маҳсулотларнинг импорт ўрнини босаётгани ва шунинг баробарида экспортга ҳам йўналтирилганидир.

Фаолият бошлаганига кўп вақт

бўлмасда, ички бозорда харидорини топиб, ташқи бозордан ҳам маҳсулотларига буюртмалар тушаётган «FAYZ DEKOR BISNES» қўшма корхонасида асосий эътиборнинг сифатга қаратилганлиги яхши самара кўрсатяпти.

— Асосий мақсадимиз истеъмолчиларга сифатли, халқаро талабларга мос қадоқланган қандолат маҳсулотлари етказиб бериш бўлиб, саъй-ҳаракатларимиз шунга яраша бўлмоқда, — дейди корхонанинг тижорат ишлари бўйича директори Миролим Эр-

ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган почта алоқаси миллий тармоғи почта жўнатмаларини мунтазам етказиб беришни таъминлайдиган 14 ҳудудий филиал, 30 авиа, 2 темир йўл, 436 автомобиль йўналишини ўз ичига олган.

Мамлакатимизда пул ўтказмалари бўйича хизмат кўрсатиш жадал ривожланмоқда. «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти уч турдаги шундай хизматни кўрсатмоқда. Ички (маҳаллий ва шаҳарлараро) ҳамда халқаро турлардан иборат ушбу хизматлар оддий (почта алоқаси тармоғидан фойдаланган ҳолда жўнатилмайдиган), тезкор (телеграф тармоғи орқали жўнатилмайдиган), шунингдек, тезкор электрон пул ўтказмаларидан иборат. Оддий пул ўтказмалари 5-10 кун, телеграф орқали уч соатдан икки кунгача, электрон пул ўтказмалари атиги 15 дақиқа ичида амалга оширилади.

2008 йилда қиймати 7 миллиард сўмдан ортиқ 43116 ички электрон пул ўтказмалари амалга оширилган бўлса, ўтган йили бу рақам 14 миллиард сўмдан ортиқ 76867 пул ўтказмаларидан иборат бўлди. Жорий йилнинг 5 ойи мобайнида эса уларнинг сони 36737 тани ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти 2008 йилдан буён Бутунжаҳон почта иттифоқининг «IFS Light» электрон пул ўтказмалари тизимидан фойдаланган ҳолда, Украина, Россия, Қозоғистон, Беларусь билан халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириб келмоқда. 2009 йилда келадиган пул ўтказмалари билан амаллаш ҳажми 14942 тани ташкил этди. 2010 йилнинг 5 ойида бу кўрсаткич 13177 тани ташкил қилди.

Пул ўтказмаларини назорат қилиш марказининг ишлаб чиқариш участкаси бўлиmidан маълум қилишларича, барча филиаллар ва туманлар алоқа узеллари ягона ахборот алмашиш тармоғига уланган ва компьютер тармоғидан самарали фойдаланиш имконини берадиган замонавий компьютер техникаси ва кўп функцияларни бажарадиган мосламалар билан жиҳозланган.

Айни пайтда «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятида пул ўтказмалари бўйича объектлар сонини кўпайтиришга қаратилган тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда, янги турдаги хизматлар ишлаб чиқилмоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

Мустақиллик шарофати билан ёшларимизнинг дунёқароши, тафакқури, сиёсий ва маънавий савияси юксалиб бораётган бир вақтда уларнинг қалбида халққа, Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантириш беқиёс аҳамиятга эга.

нат, ҳолисона савоб тарихисидикилини лозим. Беғараз, ҳолис қилинган яхшилик инсон

ЯХШИЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАЙЛИК

қалбида бир умрга муҳрланиб қолади. Юртбошимиз бу борада айтганидек, «Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар қалбимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик, меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди».

Инсон ҳали ҳаётлик вақтида эзгуликни мақсад қилиб, умрининг ҳар бир дақиқасини беҳуда сарфламай, имкон қадар солиқ амаллар қилиб

қолишга улгурмоғи лозим. Инсон ҳаётининг моҳияти ҳам, эзгу ният билан яхшиликка хизмат

такаббурлик, ўзгаларни мазах қилиш каби оқибатсизлик иллатларидан сақланиш лозим бўлади.

Албатта, яхшилик қилишда бобоқалон алломаларимизнинг, ота-оналаримизнинг панд-насиҳатларига, халқимизнинг «Ўзингга яхшилик истасанг, ўзгага яхшилик қил», деган доно сўзларига амал қилган ҳолда, яхшилик муҳитига заррача ҳам ёмонлик келтирувчи бўлиб қолмасдан, одоб-ахлоқ, ҳулқи кўркамлик ҳукмида бўлишга, эл-юрт равнақи йўлида илму маърифатга, касб-ҳунар эгаллашга интилиб яшайлик, ҳаётимизни хайли ва эзгу ишларга бағишлайлик.

Дилором НАСРИДИНОВА,
Собир Раҳимов тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Семинарлар

ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ — ДАВР ТАЛАБИ

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса, албатта, ушбу фаолиятнинг янада самарали кечишига, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сифати ошишига, шунингдек қонунчиликда юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, қонун ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил этиш ва янги қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганини ўрганиш бўйича адлия идоралари зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда яқинда Шайхонтохур тумани ҳокимлигида Адлия бошқармаси ташаббуси билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, уларнинг ҳуқуқий экспертизаси: амалиёт

ва муаммолар» мавзусида навбатдаги семинар бўлиб ўтди. Унда бошқарма ходимлари, Ҳамза ва Яққасарой туман ҳокимликлари, суд, прокуратура вакиллари, соҳа ходимлари, шунингдек ФХДЕ органлари ва нотариал идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда мустақиллик йилларида миллий ҳуқуқ тизимини яратиш, қонунлар ва қонунчилик техникасини такомиллаштириш, уни юқори сифат босқичига кўтариш, қонун ижодкорлиги соҳасида ўнлаб қонунлар парламент томонидан қабул қилинган ҳақида сўз борди.

Шунингдек, корхона-ташқилот

юрислари эътиборига меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини бошқармага ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилиши, фақат қабул қилинганидан сўнг расмий нашрларда эълон қилиш зарурлиги, ҳужжатни уч кун ичида давлат рўйхатида олиш учун юбориш лозимлиги ҳақида ҳам тўлиқ маълумотлар ҳавола этилди.

Тадбирда иш фаолиятида учраётган муаммолар ечимини юзасидан тақлиф ва тавсиялар эшитилиб, катнашчиларни қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб берилди.

Шерзод МАМАЖОНОВ,
ҳуқуқшунос

РАДИОЧАСТОТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Тошкентда МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари учун «Радиочастота спектри ва йўлдошли орбиталардан фойдаланишни халқаро миқёсда бошқариш» мавзусида қўшма семинар бошланди. Тадбир Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Халқаро электралоқа иттифоқи томонидан Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон, Озарбойжон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Россия, Тожикистон, Украинадан мутахассис ва экспертлар, шунингдек, Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик ташкилоти, Халқаро электралоқа иттифоқи, унинг МДХ мамлакатлари бўйича ҳудудий бўлими вакиллари иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган ушбу семинардан қўзланган асосий мақсад — радиочастота спектрини халқаро тартибга солиш, йўлдошли орбитадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, Халқаро электралоқа иттифоқи дастурий таъминоти ва маълумотлар базасини қўллаш бўйича тажриба ҳамда ахборот алмашишдир.

Халқаро электралоқа иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги етакчи муассасаси, радиолоқа, стандартлаштириш ва телекоммуникацияларни ривожлантириш соҳасида давлат бошқаруви ҳамда хусусий сектор органлари учун умумжаҳон мувофиқлаштириш маркази ҳисобланади.

Семинар доирасида Халқаро электралоқа иттифоқи, радиочастота спектри ва йўлдошли орбиталардан фойдаланишни халқаро миқёсда тартибга солиш, радиолоқа секторининг тадқиқот комиссиялари ишлари, йўлдошли алоқа ва радиозўштираш тизимлари бозорини ривожлантириш тенденциялари, радиочастота спектридан фойдаланиш радиомониторинги бўйича халқаро ва миллий тизимларни ташкил этиш, Халқаро электралоқа иттифоқи ҳамда Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик ташкилоти мамлакатларининг 2012 йилда бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон радиолоқа конференциясига тайёргарлигига оид маърузалар тақдим этилади.

Семинарда дунёда ва Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик ташкилоти мамлакатларида рақамли эшиттиришни жорий этиш тажрибаси, бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари М.Сангилов мамлакатимизда янги радиотехнологияларни жорий этиш учун радиочастота ресурслари бўлган эҳтиёж жадал ортиб бораётганини таъкидлади. Ушбу технологиялардан фойдаланиш иқтисодийнинг юксалтириш, бизнесни ривожлантириш, жамиятнинг ахборот базасини такомиллаштириш имконини беради.

Ўзбекистонда ушбу спектрдан анъанавий фойдаланиш билан бир қаторда мобил алоқа, кенг полсаласи симсиз алоқа, рақамли радиозўштираш соҳасидаги янги технологиялар ҳам фаол жорий этилмоқда. 2009 йилдан буён 3G — учинчи авлод уяли алоқа тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда ва ушбу тармоқ абонентлари сони қарийб 1,5 миллионни ташкил этади.

2010 йилда иккита уяли алоқа операторига LTE уяли алоқа стандартини жорий қилиш учун частоталар полсаласи ажратилди, уларнинг ускуналардан фойдаланишга оид аризалари кўриб чиқилмоқда. Симсиз фойдаланиш учун кенг полсаласи Wi-Fi, Wi-MAX, жумладан мобил тармоқлари қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг радиочастоталар бўйича давлат комиссияси томонидан мамлакатимизда 2015 йилгача рақамли телекўрсатувларни жорий этишнинг частотали-ҳудудий режаси таъсис этилди. 2008 йилда Тошкент ва Бухоро шаҳарларида иккита узатиш аппарати фойдаланишга топширилди. Яқинда пойтахтимизда иккинчи узатиш аппарати ишга туширилди ва ҳозир шаҳарда 25 канал трансляция қилинмоқда.

Жорий йилда Тошкент ва Самарқанд учун яна учта узатиш аппарати етказиб берилди, бошқа вилоятлар марказлари учун эса тўртинчи узатиш аппарати бўйича тендер ўтказилади.

Дунё бўйича технология ривожланиш тенденцияси радиочастота ресурсларига нисбатан эҳтиёж ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Прогнозларга кўра, кенг полсаласи мобил хизматларини жорий этиш фаоллашади. Ҳозир радиочастота спектридан ҳам миллий, ҳам халқаро даражада фойдаланиш самарадорлиги ошмоқда. Оқилона бошқарув радиочастота спектридан фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун мажбурий шарт ҳисобланади.

Халқаро электралоқа иттифоқининг Радиолоқа бюроси директори В.Тимофеев Ўзбекистонда радиолоқа, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, яъни рақамли телевидениени амалиётга таъбиқ этиш, кенг полсаласи симсиз алоқа, мобил алоқа технологияларини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мазкур семинар МДХ мамлакатларида радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, янги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга хизмат қилади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Тошкент Фотосуратлар уйида истеъдодли рассом Акром Бахромовнинг шахсий кўргазмаси очилди.

**Кўргазмалар
ТАСВИРЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ**

Инсоннинг ички ва ташқи оламига тааллуқли бўлган барча мавзуларни, жумладан, фалсафа, этикод, ахлоқ-одоб, маданият, экология ва ҳоказоларни ижодкор асарларида кўриш мумкин.

Айтиш жоизки, Акром Бахромов ижоди мисолида томошабин плакат санъати нақадар қийин ва айна пайтда жуда қизиқарли ҳамда серкирра эканлигига гувоҳ бўлади. Рассом асарларининг асарияти ижтимоий-ахлоқий мавзуларга бағишланган бўлиб, у халқнинг тарихи, ҳозирги кун ва келажаги, миллий удумлари ва қадриятларини ҳисобга олиб, ортиқча изоҳларсиз, жимжима ва майда-чуйдаларсиз, яхлит ва мазмунли плакатлар туркумини яратган.

— Ҳаёт суръати тезлашмоқда. Жуда кўп ихтиролар сабабли инсоният тараққиёти янада жаддаллашиб бормоқда. Ютуқлар кўп. Лекин шундай азалий ва даврий муаммолар ҳам борки, улар ўз ечимини кутиб, олдимизда кўндаланг бўлади. Буларга санъат, айниқса плакат санъати ҳозиржавоблик билан муносабат билдиради, — дей-

ди Акром Бахромов. — Рассом инсоннинг руҳий, маънавий олами энг муҳим нарса, деган хулосага келади. Мен инсоннинг ички олами поклянишига ва тобора бойиб боришига ишонман. Инсоният ўз иллат ва қусурларидан халос бўлиши учун куч топа олади.

Акром Бахромовнинг яна бир ўзига хослиги, унинг асарларидаги лўндалик ва рангдорлиқдир. Эски андозаларнинг кўплигига қарамай, у ўз йўлини яратиш учун янги шакллар топишга дадил киришадди. Бошқа ҳамкасбларига ўхшашлиги шундаки, у ҳам ҳаётдаги мураккаб жараёнлардан ўзига хос мавзуларни топа олади, уларни чизма ва рангларда рамзларга айлантира олади.

Айни кунда Акром Бахромов, плакатдан ташқари, рангтасвирда, дастгоҳли ва китоб графикасида, эмблема ва карикатура соҳасида ҳам қатор асарлар яратди. Бугун унинг бисотида ўзи томонидан зийнатланган юзлаб китоблар, шулар жумласидан жаҳон адабиёти дурдоналари бор.

Ғулором ҲАМИДОВА



**Жаҳон чемпионати-2010
КЕСКИН ВА МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР**

Кечадан бошлаб гуруҳларда кучли жамоаларга плей-офф босқичига йўл очадиган сўнгги учинчи тур учрашувлари бошланди.

Кизиғи шундаки, «А» гуруҳида вазият анча ойдин бўлиб, Уругвайни дуранг натижа ҳам қониқтиргани ҳолда, агарда Мексика термаси ютқазса, иккинчи ўйинда Жанубий Африка Республикаси жамоасининг йирик ҳисобда ғалаба қозониши керак бўларди ва шунда майдон эгалари кейинги босқичга чиқарди.

Уругвай терма жамоаси ҳужумкор ўйинни давом эттиргани ҳолда бу гал ҳам ғалаба учун кураш олиб борди. Уйинда ёш ва сермахсул ҳужумчи Луис Суарес қахрамонлардан бирига айланди. Чунончи, 7-дақиқада унинг қарийб 30 метрлардан берган кучли зарбаси дарвоза устунини ларзага келтирди, 43-дақиқада ушбу футболчининг боши билан киритган чиройли голи терма жамоасига кичик ҳисобда ғалаба келтирди — 1:0. Шу тариқа 7 очко жамгарган уругвайликлар гуруҳида биринчи ўринни кўлга киритди.

Франция учун майдон

эгалари — ЖАР жамоаси билан учрашувнинг мураккаб кечиши олдиндан маълум эди. Нега деганда бир гуруҳ етакчи ўйинчилар ва бош мураббий Раймон Доменек ўртасида юзга келган зиддиятлар жамоадаги ички вазиятни жуда оғир аҳволга келтириб қўйганди. Бинобарин, гуруҳдаги ушбу охириги ўйинда ҳам бир нечта етакчи ўйинчилар майдонга тушишдан бош тортиди, жамоа сардори ҳам ўзгарди. Охириги бўлиб унчалик кучли бўлмаган ЖАР жамоаси биринчи бўлимаддек иккита тўп киритгани ҳолда ўйин тақдирини ўз фойдасига қилди. Французлар ярим ҳимоячи Флоран Малуда 70-дақиқада киритган ягона тўп ўйиннинг майдон эгалари фойдасига 2:1 ҳисобида якунлаштиришга замин яратди.

Ушбу гуруҳида иккинчи бўлиб Мексика терма жамоаси нимчорак финалга йўланма олди. «В» гуруҳидаги Греция-Аргентина баҳси ҳам

қизиқарли кечди. Иккита ўйинда икки ғалаба билан аргентиналиклар иккинчи босқичга йўлангани нақд қилиб қўйганлиги сабабли майдонга бирмунча янги-ланган таркибда — учта етакчи ўйинчисиз тушди. Шундай бўлса-да, баҳс давомида Жанубий америкаликларнинг тўла устунлиги сезилиб турди. Бироқ Верон, Родригес, Месси каби етакчи ўйинчиларнинг хавфли ҳужумлари биринчи бўлиб самара бермади.

Шундай вазиятда тажрибали ҳимоячи Мартин Демикелис ташаббусни ўз қўлига олиб 77-дақиқада ҳисобни очди. Орадан ўн бир дақиқа ўтгач, Лионел Месси томонидан берилган кучли зарба билан иккинчи голни киритди — 2:0.

Кеча энг қизиқарли ва муросасиз ўйинлардан бири Нигерия ва Жанубий Корея терма жамоалари

ўртасида кечди. Ушбу учрашувда Жанубий корейликларни дуранг натижа ҳам қониқтирар, рақиблари учун эса ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Уйинда ҳисобни нигериялик футболчилар очган бўлсада, кетма-кет иккита жавоб тўпи киритган Жанубий корейлик футболчилар олдинга чиқиб олишди. Таъкидлаш жоизки, Осиев қитъаси вакиллари ҳар иккала тўпни ҳам белгиланган жарима зарбалари орқали киритишга муваффақ бўлди. Фақат учрашувнинг сўнгги дақиқаларида Нигерия терма жамоаси пеналтидан ҳисобни тенглаштиришди — 2:2.

«В» гуруҳида 9 очко тўплаган Аргентина ва 4 очкога эга Жанубий Корея жамоалари плей-оффга йўланма олди. Бунда корейлик футболчиларга тўплар нисбатини яхшилиги қўл келди.

Бугун «С» ва «D» гуруҳларида сўнгги учрашувлар бўлиб ўтади.

Дилшод ИСРОИЛОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Илм ила дилини мунаввар

Этсин,
Хирад-ла ўзини мўътабар

Этсин.

Бошқалар молига

Чўзманг қўлингиз.

Ёмонлик илдизин мутлақ

қуритинг.

Кўшнларга асло

бермангиз озор,

Улуғларни айблаб,

этманг бадкирдор.

Кимки шуқр этмас,

билингиз шуни,

Яна фақирликка етказар уни.

Дарвишдан давлатни

дариф тутмангиз,

Ҳожат чиқармоқни ҳеч

унутмангиз.

Соф дилга яхшилик қилинг

доимо,

Чўқдирманг муҳтожлар

кўнглини асло.

Бўлса гар ҳар кимса

бевурд, нописанд,

Хавфу хатар ила бўлмай

боши банд.

Юз ўғир, ҳар кимки

қилса ёмонлик,

Ёмонликдан келмас элга

омонлик.

Фақат яхшиликдан

очилур сўзинг.

Ҳар нарсанинг ҳадди

бўлмоғи мақбул.

Бадғараз қалбида

ёнмағай чирок.

Мардлар обрў топар

сўзи туфайли.

Ул нарсаким, ному

эрур фаровон,

Ундан орзу-ният ушалмай

равон.

Хирад деб аталмай,

номи мўл эрур,

Порсонни мақсадга элтар

йўл эрур.

Бири меҳр дейди,

бошқаси вафо,

Хирадсиз инсонга ёр

дарду жафо.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт янгиликлари

РАҚОБАТ КУЧАЙМОҚДА

Айни кунларда миллионлаб футбол мухлисларининг нигоҳи Жанубий Африка Республикасида ўтказилаётган XIX жаҳон чемпионатида қаратилган.

Жаҳон чемпионати гуруҳ баҳслари қизғин паллага кирган пайтда Ўзбекистон XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари биринчи давранинг сўнгги, 13-тур баҳсларини якунлади. Фақатгина айрим сабабларга кўра «Бунёдкор» — «Насаф», «Андижон» — «Нефтчи» жамоалари учрашувлари кечиктирилди. Шундай бўлсада, биринчи давра якунлари ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни билдиришга асослар етарли деб ҳисоблади.

Биринчи даврани амалдаги чемпион «Бунёдкор» жамоаси биринчи ўринни эгаллаган ҳолда якунлади. Турнир жадвалининг иккинчи, учинчи погонларини «Пахтакор» ва «Насаф» командалари банд эттишти. Қувонарли жиҳати, шу кунгача «Бунёдкор»

ва «Насаф» маглубиятга учрамаган жамоалар сифатида эътироф этилмоқда. «Пахтакор» эса сўнгги турда ўз майдонида Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоаси билан аранг 0:0 ҳисобидаги дуранга эришгач, энди пешқадамдан тўрт очкога ортда қолиб кетди. Чемпионат бошларида кетма-кет ютқазиб мухлисларини ранжитган «Қизилқум» эса саккиз турдан бери маглубият нималигини билмай, тўртинчи ўринга кўтарилиб олди. Агар иккинчи даврада ҳам зарафшонликлар ана шундай сермазмун ўйин намойиш эта олса, «Бунёдкор» ва «Пахтакор»га муносиб рақобат қилган бўларди.

Чемпионат бошланишида кетма-кет ғалаба қозониб, пешқадамларни ҳам ҳайратта солган «Ло-

комотив» Вадим Абрамов жамоадан кетгач, кетма-кет маглуб бўлаверди. Натижада ҳозир янги бош мураббий Андрей Микляев шоғирдлари 9-ўринни эгаллаб турибди.

Турнир жадвалининг қуйи погонларини «Олмалик» (11 очко) ҳамда «Хоразм» (4 очко) эгаллаб турибди. Қизиғи, хоразмликлар ҳамон бирор марта ғалаба нашидасини суришмаган. Яна бир ғалати ҳолат. Мамлакат биринчилиги бошларида стадионларга мухлислар кўплаб келишаётгани. Ҳозирда эса... Албатта, бунинг сабабини айни кунларда Жанубий Африка Республикасида давом этаётган XIX жаҳон чемпионати билан боғлаш ҳам мумкин. Бироқ чиройли комбинацияларга бой, ҳужумкор, тез-

қор футболнинг мухлиси топилади. Профессонал футбол лигаси жамоалари раҳбарлари, мураббийлари бу ҳақда жиддий бош қотирса, нур устига аъло нур бўлар эди.


Биринчи давра якунларига кўра Самарқанднинг «Динамо» жамоаси ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов рақиб дарвозасини етти марта аниқ нишонга олиб,

тўпурарлар рўйхатини бошқармоқда. Ундан кейинги ўринларни дарвозаларни олти мартадан ишғол этган Целик «Навбахор» (Наманган) ва Одил Аҳмедов «Пахтакор» (Тошкент) эгаллаб турибди.

Уйлаймизки, иккинчи давра беллашувлари қизиқарли ва муросасиз учрашувларга бой бўлади.

БИРИНЧИ ДАВРАДАН KEЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Бунёдкор»	12	10	2	0	22-6	32
«Пахтакор»	13	8	4	1	20-11	28
«Насаф»	12	6	6	0	15-6	24
«Қизилқум»	13	6	4	3	10-6	22
«Шўртан»	13	6	3	4	15-13	21
«Навбахор»	13	5	3	5	16-10	18
«Динамо»	13	5	3	5	16-13	18
«Металлург»	13	4	4	5	12-14	16
«Локомотив»	13	4	2	7	12-21	14
«Машъал»	13	3	4	6	6-15	13
«Нефтчи»	12	3	3	6	17-20	12
«Андижон»	12	3	2	7	10-16	11
«Олмалик»	13	2	4	7	11-20	10
«Хоразм»	13	0	4	9	5-16	4



БУЮК БРИТАНИЯДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Буюк Британиянинг Кент шаҳрида кураш бўйича 8-«Ислон Каримов» анъанавий халқаро турнири ташкил этилди.

Шуниси қувонарлики, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган нуфузли турнирда дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан 100 нафар полвон иштирок этиб, голиблик учун турли вазн тоифаларида ўзаро кураш олиб борди.

Усмирлар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар ва катталар ўртасида ташкил этилган ушбу турнир Ўзбекистон терма жамоасига омад келтирди.

Эргашев кумуш медалини қўлга киритди. Усмирлар баҳсларида Мухаммадали Норов, Суннатилла Исроилов олтин, Маҳсум Ражабов, Шоҳжаҳон Исмоилов, Мирхотам Аюпов, Равшан Жўраева кумуш медаллар насиб этди.

Ёшлар ўртасида Ҳасан Юсупов шохсуланинг энг юқори погонасидан жой эгаллаган бўлса, фахрийлардан барча рақиблари курагини ерга текизган Мамадали Норов олтин медалга соҳибига айланди.

Хотин-қизлар беллашувларида ҳамюртларимиздан Муқаддас Кубаева, Ўғилрой Нуралиева, Севара Дехоновалар олтин, Шохидда Назарова кумуш медал билан тақдирланишди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



**Бош муҳаррир
Ақмал АКРОМОВ**
Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
6617 нусxada босилади.
Қоғоз ёғи А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонида мурожаат қилишигиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрийт-матбоси акциядорлик компанияси босмахоҳонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
123 5